

## **ЧЕТ ТИЛИНИ ЎРГАНИШ ЙЎРИҚНОМАСИ**

**Нозима Тулқуновна Ходиева**

Тошкент давлат шарқшунослик университети  
Эрон- афғон филологияси кафедраси ўқитувчиси  
Тошкент, Ўзбекистон  
[nozixodiyeva@inbox.ru](mailto:nozixodiyeva@inbox.ru)

### **АННОТАЦИЯ**

*Мазкур мақолада мустақиллигимиздан сўнг республикамызда барча чет давлатлари билан мулоқот қилишга йўл очилиб, ахборот алмашиш кўлами ва суръати ортиб боряптканлиги учун чет тилини ўрганиш йўриқномаси берилган.*

***Калит сўзлар:** мақсадни аниқ белгилаш, тил асосини такрорлаш, мулоқат қилиш, тил ўрганиш жараёнини ҳаёт тарзига мослаш ва смартфондан самарали фойдаланиш.*

### **ABSTRACT**

*In this article, since the way to communicate with all foreign countries has been opened in our republic after our independence, and the scope and speed of information exchange is increasing, instructions for learning a foreign language are given.*

***Key words:** goal setting, language review, communication, adapting language learning to lifestyle and effective use of smartphone.*

### **КИРИШ**

Бугун Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятида интеграллашиб борар экан, ёшларимизнинг ўз она тилини кадрлаган ҳолда чет тилларини билиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Таълим тизимининг барча босқичларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар натижасида юз минглаб ўғил-қизлар муайян мутахассислик бўйича юртимиздаги барча таълим муассасалари ва бошқа мамлакатлар олий ўқув юр்தларининг филиалларида таълим олиш билан бирга хорижий тилларни пухта ўрганиб келмоқдалар. Мустақилликдан сўнг республикамызда барча чет давлатлари билан мулоқот қилишга йўл очилиб ахборот алмашиш кўлами ва суръати ортиб бормоқда.

Ҳозирда мамлакатимизда юқори малакали чет тили ўқитувчилари томонидан замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш йўли билан ўсиб келаётган ёш авлодни чет тилларга ўқитиш, хорижий тилларни пухта

биладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, соҳада халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантириш учун қулай шарт-шароит ҳамда имкониятлар яратилмоқда.

## **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Инсоннинг дунёни идрок этишида унинг тил билиши ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бошқа хорижий тилни яхши ўрганмоқчи бўлган киши аввало ўз она тилини мукамал билиши, эъзозлаши, севиши, қадрлаши, унинг софлиги, гўзаллиги, кадр-қиммати учун курашиши миллий қадриятларнинг энг муҳимидир. Бир тилни иккинчи тилга тақослаб, солиштириб ўрганилинганда, ўрганилаётган тил грамматикасидаги ўхшашлик, фразеологик бирикмаларининг эса қолиши самарали бўлади. Ўз тилида халқининг тарихи, маданияти, урф-одати, адабиёти ҳамда санъатини билишнинг аҳамияти жуда муҳим. Бинобарин, киши ўз она тилидан ташқари, бошқа тилларда ҳам сўзлаша олиши унинг дунёқарашини, маънавиятини янада юксалтиради. Ҳар бир тил ўзига хос жиҳати билан бошқаларидан ажралиб туради.

### **1. Мақсадни аниқ белгилаб олинг**

Аниқ мақсадсиз бирон ишда, ҳусусан тил ўрганишда, муваффақиятга эришиш мумкин эмас. Шу сабабли, чет тилини ўзи нимага ўрганмоқчи эканлигингиз ҳақида мулоҳаза қилишингиз керак.

Тил ўрганиш узун ва машаққати жараён бўлгани сабабли, бу йўлга аниқ мақсадсиз чиққан киши тилни ҳеч қачон ўргана олмайди. Аксинча, олдингизга қўйган мақсадингиз қанча жиддий бўлса, тил ўрганиш шунча тез ва самарали кечади.

Унутманг, мақсад қанчалик жиддий бўлса, тил ўрганиш шунча тез ва самарали кечади.

### **2. Тил асосини такрорлаш ташкил этади**

Тилни доимий такрорлашсиз ўрганиб бўлмайди. Кунига 10 янги сўз ёдлашингиз мумкин, аммо бу сўзларни 1-2 кундан кейин ва кейинчалик такрорламасангиз эсингиздан чиқиб кетиши аниқ. Бунда энг самарали йўллардан бири сўзларни тез тез такрорлаш ёки флеш карталардир. Карточкаларга ёзиб, уларни кўзингиз энг кўп тушадиган жойларга ёпиштириб, самарали фойдаланишингиз мумкин. Янги сўзлар осонроқ эсингизда қолиши учун, уларни жумла ичида қўллаш орқали ўрганишингиз мумкин.

### **3. Мулоқот қилинг**

Тил мулоқот воситасидир. Шу сабабли тилни ўрганиш ва ривожлантириш учун, табиийки, мулоқот қилишингиз керак. Мен талаба бўлган вақтларимда ўша тилда сўзловчи вакиллари билан мулоқат қилишга ҳаракат

қилардим. Ҳали равон гапира олмасангиз ҳам иштирок этишга кўркманг. Тилни билиб бу каби суҳбатларда иштирок этишга уялган кишидан тилни ҳали тузукроқ билмаса ҳам гапиришга ҳаракат қилган киши ютади. Хуллас, ўрганаётган чет тилингизда гапиришга ҳеч қачон уялманг.

Ёки бўлмаса, давомий равишда ўрганаётган чет тилингизни машқ қилиш учун шерик топинг. Тилни бир ёки бир-нечта шерик билан ўрганишнинг яна бир фойдали томони шундаки, бу усул шериклар орасида ўзига ҳос рақобат муҳитини яратади. Маҳалладошингиз ёки гуруҳдаги шеригингиз сизга шериклик қилиши мумкин. Ҳар ҳафта энг камида 30 янги сўз ёд олишга ва якшанба куни учрашиб, бир-бирингизни синашга келишиб олсангиз, шеригингиздан орқада қолмаслик учун сўзларни албатта ёдлашга ҳаракат қиласиз.

#### **4. Тил ўрганиш жараёнини ҳаёт тарзингизга мослаб боринг**

Чет тилини ўрганиш жараёнини ҳаёт тарзингизга мослаб боринг. Масалан, ҳар куни университетга метрода қатнасангиз ҳафтада энг камида 30-40 дақиқа вақтингиз метрода кечади (ҳар томонга 15-20 дақиқа ҳисоблаганда). Демак, метродаги вақтингиздан унумли фойдаланиш учун турли Listening ни ривожлантиришга қаратилган машқларни тинглаб кетишингиз мумкин.

Ёки қисқа метражли фильмларни кўришдан бошлашингиз ва тобора тушунишингиз осонлашган сари фильмларни ёки хабарларни кўриб тушунишингиз енгиллашади. Бу эса сизнинг тил ўрганишдаги ютуқларингизни ўзингизга намаён қилади.

#### **5. Смартфонингиздан самарали фойдаланинг**

Тил ўрганиш узун ва машаққатли жараён бўлгани сабабли, уни иложи борича осонлаштиришга ҳаракат қилишингиз керак. Бунда сизга смартфонингиз қўл келади. Смартфонларга ўрнатиб олиш мумкин бўлган бепул луғат ва сўзлашув программаларини юклаб олиб ундан самарали фойдаланишингиз мумкин.

Тил ўрганиш осон эмас. Бунда сизга олдингизга аниқ мақсад кўйиш, янги сўзларни давомий такрорлаб бориш, фурсат бўлганда уялмасдан мулоқот қилиш, чет тилини ўрганиш жараёнини ҳаётингизга мослаштириб бориш ва ниҳоят, технологиядан самарали фойдаланиш талаб этилади.

Шу ўринда шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, тил ўқитишдаги технологиялардан самарали фойдаланиш билан бир қаторда ўрганилаётган тилнинг грамматик қоидаларини пухта ўзлаштириш лозим. Математик қоидалар ёдлангани каби, грамматик қоидаларни ҳам формулага солиб, ёдланса мақсадга мувофиқ бўлади.

## REFERENCES

1. Khodiyeva Nozima Tulkunovna, Khabibova Mukhabbat Raxmetullayevna, Ahmedova Dilfuza Rafukjanovna «Past tense incomplete verb and present tense incomplete verb in Persian», Zenoda, may 26, 2021 DOI 10.5281/4810048
2. Ahmedova Dilfuza Rafukjanovna, Xodiyeva Nozima Tulkunovna, Xabibova Mukhabbat Raxmetullayevna «Fors tilida holat fe'llarining semantik tahlili», *Культурология, искусствоведение и филология: современные взгляды и научные исследования.*, Москва, 2022 г. Сборник статей по материалам LVI международной научно-практической конференции. ISSN 2541-9870
3. Xodiyeva, N. T., Axmedova, D. R., & Xabibova, M. R. (2022). HOZIRGI ZAMON FORS TILIDA SODDA FE'L ASOSIDA TUZILGAN QO 'SHMA FE'LLARNING STRUKTUR TAHLILI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(Special Issue 4-2), 534-540.
4. Xabibova, M., Xodiyeva, N., & Axmedova, D. (2022). ФОРС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ АСАРЛАРДА АЁЛ ГЎЗАЛЛИГИ КОНЦЕПТИ. *Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(5), 1118-1122.